


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 24 ноябрь, № 252 (8314) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## КОСМИК ТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев космик фаолиятни ривожлантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тақдимоти билан танишди.**

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 30 августдаги Фармонига кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Ўзбеккосмос” агентлиги ташкил этилган эди. Ўтган даврда бу соҳада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш, инфратузилма яратиш бўйича муайян ишлар қилинди. Лекин бугунги кунда космосдан фойдаланиш миқёси шунчалик кенгки, ҳали бу борада ўрганадиган жиҳатларимиз кўп.

Масалан, 2020 йилда дунёда космик хизматлар бозорининг умумий ҳажми 400 миллиард долларга яқинлашган. Бунда асосий ўринни ерни масофадан зондлаш, алоқа йўлдошлари, навигация хизматлари эгалламоқда. Келажакда космосдан фойдаланиш эҳтиёжи янада ортиб бораверади.

Шу боис, Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, космик тармоқни ривожлантиришнинг 5 йиллик концепцияси ва “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Уларда ерни масофадан зондлаш, телекоммуникация сунъий йўлдошлари миллий гуруҳини яратиш, илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш, аэрокосмик стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадлар белгиланган.

Шунингдек, “Ўзбеккосмос” агентлигига қўшимча вазифалар юклатиш мўлжалланмоқда. Булар — космик суратларни таҳлил қилиш орқали иқтисодиёт соҳаларида қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш, давлат космик мониторингини амалга ошириш, бу жараёнда илғор технологияларни қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаш кабилардир.

Давлатимиз раҳбари бу чора-тадбирларнинг натижадорлиги қандай бўлишини сўради.

Қайд этилганидек, бу тармоқ ривожи қишлоқ ва сув хўжалиги, ер муносабатлари, экология, геология каби кўплаб соҳаларда қўл келади. Масалан, экинларнинг тури ва майдони, ерларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши, ноқонуний чиқинди жойлари пайдо бўлишини аниқлаш даражаси 95 фоизгача етади. Сув иншоотлари, ер қаъри ва фойдали қазилмалар муҳофазаси ҳам янада кучаяди.

Президентимиз бу таклифларни маъқуллаб, тегишли ҳужжатларни қабул қилишга кўрсатма берди.

**ЎзА.**





## ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ БОСҚИЧ



*Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Европа йўналишида Франция устувор ўринни эгаллайди. Биринчидан, Франция Европа Иттифоқи (ЕИ) таъсис этилишининг локомотиви ва ташаббускорларидан бири саналади. ЕИда ҳамиша Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаб келган. Иккинчидан, ушбу давлат БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзоларидан бири.*

### Биз ва жаҳон

Франция улкан атом-энергетика салоҳиятига эга ядровий давлат бўлиб, дунёда иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар қаторида туради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти, янги технологиялар ва инновацияларни қўллаш бўйича жаҳонда етакчилардан ҳисобланади. Бой цивилизация ва маданиятга эга.

Европанинг ушбу илғор мамлакати Ўзбекистон мустақиллигини тан олган ва юртимизда биринчилардан бўлиб ўз элчихонасини очган. Давлатларимиз ўртасида ўтган 30 йил давомида ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро алоқаларнинг барча йўналишида ишончли ва мустаҳкам муносабатлар йўлга қўйилди.

Куни кеча Париждаги Елисей саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон ўртасида бўлиб ўтган мулоқотлар самарали кечиб, ана шу алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди. Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини атрофлича кўриб чиқди ва муносабатларни юксак даражадаги кенг қамровли шерикликка олиб чиқишга келишиб олди.

➡ 3

## ТАРИХИЙ РИШТАЛАРИМИЗ БАРДАВОМ

*Маълумки, Ўзбекистон ва Франция халқлари ўртасидаги алоқалар узоқ ва шонли ўтмишга эга. Аниқ айтадиган бўлсак, халқларимизнинг ўзаро муносабатлари Ўрта асрларга, яъни соҳибқирон Амир Темур даврига бориб тақалади.*

Айнан Европанинг уйғониши ва ривожланиши, қолаверса, мазкур минтақада жойлашган давлатларнинг шаклланиши бевосита Соҳибқирон шахси билан чамбарчас боғлиқ. Буни Амир Темур 1402 йил июль ойида Анқара яқинида ғалаба қозонгач, ушбу муваффақият билан Франция қироли Карл VI (1380 — 1422 йиллар), Англия қироли Генрих IV (1399 — 1407 йиллар) табриклаб Соҳибқиронга юборган мактубларидан ҳам кўриш мумкин.

Халқларимиз ўртасидаги мазкур тарихий алоқалар бугун яна қайтадан жонланаётгани барчамизни мамнун этади.

Сир эмас, бугун Франция ўзига хос тарихий ва маданий меросга эга бўлиб, улкан иқтисодий, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти билан дунёдаги энг йирик саноат марказларидан бири саналади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб Ўзбекистон — Франция муносабатлари тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва ўзаро ишонч руҳида жадал ривожлантириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Европа қитъасига илк давлат ташрифи 2018 йил октябрь ойида Франция Республикасига бўлган эди. Айни пайтда бу давлат мамлакатимизнинг Европа қитъасидаги энг йирик ҳамкори саналади.

➡ 3

## ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан ушбу мамлакатга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик соҳасида туб бурилиш ясади.*

*Буни давлатимиз раҳбарининг Парижда ўтказган самарали музокаралари натижаларига хорижий экспертлар, халқаро таҳлил доиралари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан билдирилаётган муносабатларда ҳам кўриш мумкин.*

### Парламентлараро алоқалар кенгаяди

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Франция ўртасида ҳар томонлама ва кенг кўламли алоқалар йўлга қўйилган. Олий Мажлиснинг иккала палатасида ҳам Франция парламенти билан ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилган.

Ҳозирда Ўзбекистон ва Франция парламентлари вакиллари ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратмоқда.

Франция Сенатида “Франция — Марказий Осиё” парламентлараро гуруҳи, қуйи палата — Миллий ассамблеяда “Франция — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи фаолият юритмоқда. Ушбу алоқалар ҳар икки мамлакат халқлари ўртасида турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ташриф чоғида давлатимиз раҳбарининг Париждаги Бурбон саройида Франция Миллий йиғини Раиси Яэль Браун-Пиве билан учрашуви ҳам бу борадаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

➡ 3

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## КОСМИК ТАРМОҚНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Космик мониторинг ишларини амалга ошириш ва давлат бошқаруви органларини космик суратлар билан таъминлаш, шунингдек, космик технологияларни қўллаш орқали ижтимоий-иқтисодий, илм-фан, мудофаа ва хавфсизлик соҳаларида космик фаолият натижаларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги (кейинги ўринда — “Ўзбеккосмос” агентлиги) Ўзбекистоннинг космик фаолиятини тартибга солиш, космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида ягона давлат сиёсати ва стратегик йўналишларни белгилаш ҳамда космик мониторинг, шу жумладан, давлат космик мониторингини амалга ошириш бўйича **махсус ваколатли давлат бошқаруви органи** ҳисобланади.

**(Давоми 2-бетда).**

Нуқтаи назар

## ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

### ЁШ АВЛОД КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ГЛОБАЛ МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ.

*2022 йилнинг 14 — 16 ноябрь кунлари Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида ЮНЕСКОнинг Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим беришга бағишланган II Бутунжаҳон конференцияси кўтаринки руҳда ўтказилди.*

*Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзлаши унинг нуфузини янада оширди.*

Шунингдек, конференцияда ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле, 150 га яқин мамлакатлардан вазирлар ва вакиллар, халқаро ташкилотлар мутасаддилари қатнашди. Конструктив мулоқот, билдирилган дадил ташаббуслар, илгари сурилган ижодий таклифлар тадбирнинг қизғин руҳини намоён қилди.

Ишончимиз комилки, анжуманда олдимизга қўйилган барча мақсад ва вазифаларга эришилди. Тошкент декларацияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжат болаларнинг давомий таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, инклюзив ва сифатли ўқитишни таъминлашнинг калитига айланади.

COVID-19 пандемияси даврида таълим соҳаси энг кўп зарар кўрган тизимлардан бири бўлди. Глобал инқироз ижтимоий тенгсизликни кучайтирди ва бутун дунё бўйлаб миллионлаб болаларни таълим, соғлиқни сақлаш ва овқатланиш орқали кўрсатиладиган ҳаётий хизматлардан маҳрум қилди.

Глобаллашаётган бугунги дунёда тараққиётга, тинчлик ва фаровонликка, экологияга хавфлар тобора ортиб бормоқда. Ғоят мураккаб ва таҳликали айни замонда яхши таълим-тарбия кўрган, жисмонан ва маънан баркамол инсонгина мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилиши, истиқболдаги ривожланишнинг энг мақбул йўлларини топа олиши мумкин. Ёш авлод иқлим ўзгаришидан рақамли инқилобгача бўлган қийин муаммоларга дуч келганда, билим, қадрият ва кўникмаларга эга бўлолмаса, барқарор тараққиёт имконсиздир.

Конференция ЮНЕСКО ва дунё экспертлари, мутахассислари иштирокида тинчлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш асносида кичик ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериш бўйича глобал муҳокама учун муҳим платформа бўла олди. Муҳокамалар натижаси ўлароқ қабул қилинган Тошкент декларацияси замонавий муаммоларни бартараф этишга давлат сиёсатини йўналтириш, шунингдек, 2030 йилгача мактабгача таълим соҳасини равнақ топтиришнинг энг муҳим йўналишларини белгилаш имконини яратди.

➡ 2

Ўрганиш

## КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА МАСЪУЛЛАРГА КЎРСАТМА БЕРИЛДИ

*Зомин туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.*

Унда Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Нусратилла Пардаев ҳамда туман ҳокимлиги масъуллари, депутатлар, фаоллар иштирок этди.

Йиғилишда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича белгиланган лойиҳалар ижроси назоратини таъминлашда халқ вакиллари, яъни сенаторлар ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамкорлиги масаласи кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳудудларни обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминотини ҳамда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш ва пировардида аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Мазкур қарор билан 2022-2023 йилларда маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастури доирасида бажариладиган тадбирлар йиғма параметрлари тасдиқланган.

➡ 2

*Хоразм воҳаси шундай хосиятли бир юртки, унинг ҳар қандай одамни ҳам ўзига тортадиган беқиёс сеҳри, жозибаси бор. Чунки Хоразм деганда, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимизнинг тамал тоши қўйилган бетакрор бир ўлка кўз олдимизга келади. Шахсан мен қачонки бу замин тупроғига қадам қўйсам, кўҳна тарих сирларидан огоҳ бўлгандек, кўп ҳаётий ҳикматларнинг мағзини чаққандек бўламан.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар







## ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ ВА МАЪРИФАТ БЕШИГИ

Хоразм — илм-фан, маданият ва маърифат бешиги, дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган табаррук замин. Қизилқум ва Қорақум саҳроларига туташ, асов Жайҳун ёқасида гуллабяшнаётган бу воҳанинг кишини ўзига тортадиган беқиёс сеҳри, жозибаси бор.

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон бир шеърида “Нега Хоразмда тоғлар йўқ?” деган саволни қўйиб, “Хоразмнинг буюк тоғлари бор — бу Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, Ферузлардир”, деб жавоб беради. Маҳмуд аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди каби буюк даҳоларга бешик бўлган бу муборак заминнинг ҳар бир қарич ери, ҳар сиқим тупроғи кўзга тўтиёдир.

Мамлакатимизнинг Шимолий минтақасида, пойтахтдан қарийб 1100 км. олисда жойлашган Хоразм вилояти ҳудуди жиҳатидан бошқа вилоятлардан анча кичик бўлса-да, илмий салоҳияти, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш ҳамда экспорт имкониятларига бойлиги билан ажралиб туради.

Кейинги йилларда воҳа ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланиш ва бунёдкорлик жараёнлари самаралари ҳудуд аҳолисининг турмуш шароитлари яхшиланиши, маҳаллалар ободлигида намоён бўлмоқда. “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳар бир фуқарони бугунидан рози қилиб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

Келинг, кўз ўнгимизда юз бераётган улуғвор ўзгаришлар ҳақида замондошларимизнинг фикрларига қулоқ тутайлик.

4-саҳифага қаранг. ➡

## ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАНДИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Профессионал таълим ташкилотларида таълимни самарали ташкил этиш ва мазкур тизимни малакали кадрлар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.*

### Эшитув

Таъкидланганидек, бугунги кунда 330 та касб-ҳунар мактабида, вазирлик ҳамда идоралар тизимидаги коллежлар ва 208 та техникумда касб ва мутахассисликни эгаллаш истагида бўлган жами 417,5 мингдан ортиқ ўқувчи-ёшлар таҳсил олмоқда. Қолаверса, 196 та таълим муассасасида 6 минг нафардан зиёд ишсиз йигит-қизлар қисқа муддатли курсларда ўқитилмоқда.

Ҳозирги кунда коллеж ва техникумларда ўқувчиларнинг 20 фоиздан ортиғи давлат гранти асосида таълим оляпти. 2023/2024 ўқув йилида коллеж ва техникумларга давлат гранти асосидаги ўринлар сонини 10 фоизгача ошириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, коллеж ҳамда техникумларга етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўқувчилар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, ногиронлиги бўлган шахслар қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши йўлга қўйилган.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# КОСМИК ТАРМОҚНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Давлат космик мониторингини амалга ошириш доирасида "Ўзбеккосмос" агентлигига қуйидаги **қўшимча вазифалар** юклатилсин:

космик суратларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш орқали **иқтисодиёт соҳаларида қонунбузарлик** ҳолатларини аниқлаш;

давлат космик мониторингини амалга ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тегишли вазирлик ва идоралар томонидан амалга ошириладиган мониторинг жараёнларида космик технологияларни қўллаш бўйича таклифларни тайёрлаш;

соҳаларда вазирлик ва идоралар томонидан космик технологияларни қўллаш даражасини мониторинг қилиш ва уларнинг жорий этилишини жадаллаштириш.

3. Қуйидагилар:

**2022 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг космик тармоғини ривожлантириш бўйича "йўл харитаси"** (кейинги ўринларда — "Йўл харитаси") 1-иловага мувофиқ;

**2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат космик мониторингини амалга ошириш дастури** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

"Ўзбеккосмос" агентлиги **2024 йил 1 декабр**га қадар амалга ошириладиган чора-тадбирлар, мазкур қарорда белгиланган вазифалар бўйича эришилган натижалар ва мақсадли кўрсаткичлар, шунингдек, тегишли давр учун космик технологиялар тараққиётининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб **2025-2026 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси"**ни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Молия вазирлиги 2-иловадаги чора-тадбирларни 2023-2024 йилларда амалга ошириш учун зарур бўладиган маблағлар Давлат бюджетидан "Ўзбеккосмос" агентлигига ажратилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги "2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-357-сон қарори доирасида:

вазирлик, идора ва ташкилотлар "Ўзбеккосмос" агентлигининг сўровномасига асосан зарур маълумотларни ўз вақтида ва сифатли тақдим этади;

тегишли соҳаларда масъул бўлган вазирлик, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари тасдиқланган йўналишлар доирасида амалга оширилаётган барча тадбирларнинг сифатли бажарилиши юзасидан шахсан масъул ҳисобланади.

5. "Ўзбеккосмос" агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда давлат космик мониторингини амалга ошириш тартибини белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда:

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан давлат космик мониторинги ўтказиладиган соҳаларга оид давлат кадастрлари маълумотлари (вектор ва атрибутив параметрларига ўзгартиришларсиз) асл ҳолида ўрнатилган тартибда "Ўзбеккосмос" агентлигига мунтазам равишда тақдим этиб борилишини;

давлат космик мониторинг тизими орқали ер ости бойликларини қазиб олиш, сув ресурсларини муҳофаза этиш, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш, маиший чиқиндиларни йиғиш ва реализация қилиш йўналишларида (давлат ер ва кадастр назорати соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бундан мустасно) аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун ундириладиган маъмурий жарималарнинг 10 фоизини Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг Космик тармоқни ривожлантириш жамғармасига йўналтиришни назарда тутсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

манфаатдор вазирлик ва идоралар **ҳар йили 20 июлга қадар** келгуси йил учун космик хизматларга бўлган йиллик эҳтиёж ҳажми, даврийлиги ва уларни етказиб бериш муддатлари тўғрисидаги маълумотларни "Ўзбеккосмос" агентлигига тақдим этади;

вазирлик ва идораларнинг талабига кўра "Ўзбеккосмос" агентлиги томонидан амалга ошириладиган келгуси йил учун космик хизматлар ҳажми ва турлари ҳар йили 1 октябрга қадар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

космик хизматлар харажатларининг бир қисми "Ўзбеккосмос" агентлиги харажатлар сметасида ажратилган бюджет маблағлари, қолган қисми Молия вазирлиги маблағлари таркибида назарда тутилади ҳамда ушбу маблағ кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари асосида қайта тақсимланади.

7. "Ўзбеккосмос" агентлигига:

космик технологияларни жорий этиш тизимини молиялаштириш учун харажатлар бўйича таклифларни шакллантириш ҳамда заруратга кўра хорижий қарз, грантлар ва бошқа маблағларни жалб этиш;

Космик тармоқни ривожлантириш жамғармасининг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳамда уларни тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

8. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Кадастр агентлиги ва "Ўзбеккосмос" агентлиги билан биргаликда 2023 йил 1 февралга қадар давлат космик мониторинги ўтказиладиган соҳаларга оид давлат кадастрлари маълумотларини "Электрон ҳукумат"нинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали тақдим этиш бўйича ўзаро интеграция қилишни таъминласин.

9. "Ўзбеккосмос" агентлиги космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва тижорий космик фаолиятни ривожлантириш мақсадида:

Глобал сунъий йўлдошли навигация (GNSS) тизимлари операторлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

Халқаро астронавтика федерациясига (IAF) аъзо бўлиш;

халқаро молия институтлари, донор ташкилотлар, компаниялар ва банклар билан космик соҳага хорижий сармоя ва илғор технологияларни жалб этиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш;

фавқулодда вазиятлар юзага келганда сунъий йўлдош аппаратлари орқали ерни масофадан зондлаш маълумотларини тезкор қабул қилиш мақсадида хорижий сунъий йўлдош операторлари билан келишув, меморандум, битим ва шартномалар тузиш чораларини кўрсин.

10. Инновацион ривожланиш вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда 2023 йил якунига қадар қишлоқ ва сув хўжалиги, экология, телекоммуникация, геология-қидирув, картография, гидрометеорология, сейсмология ва шаҳарсозлик соҳаларининг самарадорлигини оширишда ерни масофадан туриб зондлаш, йўлдош алоқа, навигация тизимларини қўллаш масалаларининг илмий ва инновацион ечимига қаратилган амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмасини шакллантирсин.

Бунда илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқариш фаолиятига самарали жорий этиш мақсадида танлов эълон қилиш учун тақдим этиладиган лойиҳа мавзулари ва улардан кутилаётган натижалар "Ўзбеккосмос" агентлиги билан келишилади.

11. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарордан кўзланган мақсад ва вазифалар, шунингдек, Дастур ва "Йўл харитаси"ни амалга ошириш жараёнини ёритиш бўйича мақола ва мавзули теледастурларни ташкил этсин.

12. "Ўзбеккосмос" агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб "Ўзбеккосмос" агентлиги бош директори вазифасини бажарувчиси Ш.М.Кадиров белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2023 йил 1 июлга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 23 ноябрь

# ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

## ЁШ АВЛОД КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ГЛОБАЛ МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ.

1

ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хоним эътироф этганидек, Ўзбекистонда ЮНЕСКОнинг 2022 йилни таълимга сафарбарлик йилига айлантириш ҳақидаги қатъий қароридан келиб чиқиб, дунёга кучли хабар юбориш имконияти юзага келди.

Албатта, ушбу жараёнда бизга етарлича молиялаштириш, кўпроқ моддий ҳамда молиявий кўмак, инсон ресурслари керак бўлади. Ўтган йилнинг ноябрь ойида Париж декларацияси қабул қилинди, у ЮНЕСКОга аъзо давлатларга давлат харажатларининг камида 15 фоизини ёки ЯИМнинг 4 фоизини таълимга ажратишни тақозо этади.

Бу тадбир ниҳоятда зарур: маълумки, таълим — бу харажат эмас, балки энг яхши сармоядир. Ўқитувчилар ва мактабларга сармоя киритишдан кўра адолатли ҳамда самарали сармоя йўқ.

Замонавий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барча соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мамлакат тараққиётнинг янги босқичи — янги Ўзбекистон қурилишига ўтди. Унинг устувор йўналишларидан бири инсон капиталини ривожлантиришдир.

Эрта ривожланиш ва таълим, ҳеч муболағасиз, Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан биридир. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилда Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилганидан буён, болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизгача ошди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 2 миллиондан ортиқ мактабгача ёшдаги болалар боғчаларга бориш имкониятига эга. Ушбу ўсиш кўрсаткичини мамлакат раҳбариятининг кучли сиёсий иродаси ва ҳукуматнинг саъй-ҳаракатларисиз амалга ошириш мумкин эмас эди.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, бугун дунёда 5 ёшдаги ҳар тўртинчи бола мактабгача таълим хизматидан фойдаланмайди. Жаҳондаги



мамлакатларнинг ярмидан камроғида мактабгача ёшдаги болалар текин ўқиши таъминланган.

Нуфузли форумда қатнашган ЮНЕСКО Бош директори ўринбосари Стефания Жаннини хонимнинг фикрича, таълим ва тараққиёт ютуқларидан тенг фойдаланиш, педагогикага инновацияларни жорий этиш ҳамда мураббийларга ёрдам бериш — инсон ҳуқуқлари соҳасида ЮНЕСКОнинг фундаментал қадриятларига асосланадиган масалалардир. ЮНЕСКОнинг Тошкент декларацияси айнан шу мазмунни ифодлагани билан аҳамиятлидир. Яъни болаларнинг эрта ривожланиши муштарак мақсадимизнинг муҳим қисми сифатида ҳужжатда ўз ифодасини топди.

Бутунжаҳон конференциясида ўртага ташланган ғоялар, билдирилган фикрлар ва қабул қилинган декларация форум қатнашчиларининг болаларни кичик ёшданоқ ривожлантиришга қаратилган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги бирдамлиги ҳамда бирлигининг ёрқин намунаси бўлди.

Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш тизимини глобал ўзгартириш стратегиясининг бир қисми сифатида Тошкент декларациясида қатор етакчи тамойиллар белгиланди:

*биринчидан,* мактабгача таълимда ўқув дастурлари ҳамда педагогиканинг сифати ва долзарблигини ошириш;

*иккинчидан,* барча болалар учун тенг ва инклюзив таълим хизматларини таъминлаш, жумладан, фавқулодда вазиятларда кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим беришга кириш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш;

*учинчидан,* педагог кадрларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

*тўртинчидан,* соҳага инновацияларни кенг жорий этиш;

*бешинчидан,* тизимни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Ушбу муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши тарихий воқелик бўлиб, янада адолатли, инклюзив, долзарб ва барқарор таълим тизимларини яратишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Эрта ривожланиш стратегиясида янги саҳифа яратади ва келгуси ўн йил ичида мактабгача таълим соҳасида халқаро кун тартибини белгилаб беради.

Қайд этиш лозимки, ушбу нуфузли конференция орқали юртимизда мактабгача таълим тизимидаги илғор тажрибаларни намоён этиш билан бирга, жаҳон ҳамжамияти эътиборини соҳадаги муаммолар ва уларни ҳал қилишга қаратиш имконини берди. Шунингдек, ушбу анжуман мамлакатимизда мактабгача таълим соҳасига сармоя киритиш ва илғор халқаро тажрибаларни ўзлаштириш борасида алоқаларни кенгайтиришга ҳам замин яратди.

Мамлакатимизда мактабгача таълимга узлуксиз таълим тизимининг ажралмас бўлаги сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2017 — 2021 йилларда қилинган ишлар мисолида бунга яққол ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жумладан, 2017 йилда мамлакатимиз бўйича 5 211 та мактабгача таълим ташкилоти бўлган. Ҳозир улар сони беш баробар ортиб, 28 минг 12 тани ташкил этмоқда. Тизимга ажратиладиган маблағ салмоғида ҳам ўзгариш катта. Бундан беш йил аввал бир йилда мактабгача таълим тизимига 2 триллион сўм ажратилган бўлса, бу йил соҳага 9,5 триллион сўм йўналтирилди.

Тизимдаги яна бир ўзига хослик ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун мактабгача таълимнинг текин муқобил турлари жорий этилди. Жумладан, "Ақлвой" лойиҳаси доирасида юртимиздаги мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган ҳамда қамров кўрсаткичи паст 142 та маҳалла фуқаролар йиғинида 387 та мобиль гуруҳ шакллантирилди. Бу тизим 65 та автобус негизида йўлга қўйилиб, 7 мингга яқин болаларни қамраб олди.

> ***Болаларни кичик ёшдан бошлаб ривожлантириш, уларнинг ўқиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш орқали келажакда ёшларнинг ўзлигини тўла намоён этишига мустаҳкам замин яратяпмиз. Зеро, бу каби эзгу мақсадимиз йўлида сарфланган инвестициялар эртага бир неча баробар ортиғи билан қайтишига шубҳа йўқ.***
>
> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича Бутунжаҳон конференциясидаги нутқидан.

Яқинда жаҳон оммавий ахборот воситалари халқаро тадқиқот натижаларини эълон қилган эди. Унга кўра, Ўзбекистон 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни мактабгача таълимга қамровнинг ўсиши бўйича жаҳон рейтингида биринчи ўринни эгаллагани ҳам қилинган ишлар самарасидан дарак беради.

Юртимизда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларнинг таълим-тарбияси ҳам эътибордан четда эмас. Жумладан, инклюзив таълим тамойиллари ва имконияти чекланган болаларга ёрдам кўрсатишнинг янги чора-тадбирлари қўлланмоқда. Нукус, Қарши, Зарафшон шаҳарлари ва Қибрай туманида реабилитация марказига эга бўлган кўп тармоқли ихтисослаштирилган ва қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда 74 та кўп тармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлиб, уларда имконияти чекланган, ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсони бўлган 6 434 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Ўтган йили барча кўп тармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилотлари реабилитиция ускуналари билан таъминланди. Соҳадаги ижобий натижалар жаҳон миқёсида ҳам эътироф этилаётгани ЮНЕСКО шафелигида ўтказилган нуфузли анжуман мисолида яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Конференция доирасида соҳага доир товарлар, хизматлар ва инновацион маҳсулотларнинг халқаро кўргазмаси, матбуот анжуманлари ва маданий тадбирлар ҳам ўтказилди. Шунингдек, мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ўқитиш соҳасига жалб этиладиган инвестиция оқимини кўпайтиришнинг устувор йўналишлари ва стратегияларини ҳам белгилаб олдик.

Агар биз дунёни ўзгартирмоқчи бўлсак, аввало, таълимни ўзгартиришимиз керак. Ишонамизки, умумий ҳисобда бутун таълим тизими дунё миқёсидаги глобал ўзгаришларга таъсир қилиши мумкин. Таълим жараёнларини фарзандларимизнинг келажаги учун яхшироқ ва сифатлироқ ташкил этиш бизнинг бурчимиздир. Ҳар биримиз дунёнинг келажакдаги цивилизацияси учун жавобгармиз.

**Агриппина ШИН,**
**Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири.**

# МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ ҲАР БИР ЛОЙИҲАНИ НАЗОРАТГА ОЛИШИ ЗАРУР

*Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси М. Салимова ҳамда депутатлар ва тегишли ташкилотлар раҳбарлари томонидан ўрганишлар ўтказилди.*

Ушбу жараёнда Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар юзасидан қабул қилинган Олий Мажлис Сенати қарори ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, шаҳарнинг бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли ҳудудларни обод қилиш, инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси, газ таъминоти ҳамда бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш ва аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадида тайёрланган лойиҳалар кўздан кечирилди.

Қайд этилганидек, мазкур лойиҳаларнинг ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, давлат экспертизасидан ўтказилган. Айни пайтда эса улар танловга қўйилиб, пудратчи ташкилотлар аниқланмоқда.

Сенаторнинг маҳаллий Кенгаш депутатлари, маҳаллалар раислари ва аҳоли вакиллари билан ўтказган мулоқотларида ҳудудлар бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалар дастурини ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни таъминлаш муҳимлиги таъкидланди. Маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳар бир лойиҳани назоратга олиб, бажарилаётган ишни ўрганиб бориши ва уларнинг натижалари сессияларда муҳокама этилиши ҳамда масъул давлат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг ҳисоботи эшитилиши кераклиги айтилди.

# КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА МАСЪУЛЛАРГА КЎРСАТМА БЕРИЛДИ

1

Унга кўра, 5 284 та маҳаллада 6 мингдан зиёд ички йўллар, ичимлик суви ва оқова сув, электр ва газ таъминоти, таълим муассасалари, маданият, спорт ҳамда бошқа объектларда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 7 трлн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилмоқда.

Қайд этилганидек, ҳар бир ҳудуд бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалар дастурини тасдиқлаш ва белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли уддаланишини таъминлаш муҳим.

Дастурга мувофиқ, Зомин туманидаги 30 дан ортиқ маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ масалалар ҳал этилади.

Сенатор йиғилганларга ушбу йўналишда бажарилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан атрофлича тушунтириш берди.

Йиғилишдан сўнг тумандаги икки маҳалла фуқаролар йиғини мисолида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш йўналишидаги фаолият ўрганилди ҳамда бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъулларга кўрсатма ва тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**

# ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ЮЗАСИДАН КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ

*Шу кунларда Душанбе шаҳрида Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг 37-ялпи мажлиси бўлиб ўтмоқда.*

**Форум**

Унда Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Н. Умаров бошчилигидаги делегациямиз онлайн режимда қатнашди.

Ушбу тадбир доирасида илк бор Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳига аъзо давлатлар парламентлари тегишли қўмиталари вакилларининг форуми бўлиб ўтди. Унинг ишида Қозоғистон Республикаси, Туркманистон, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси парламентлари вакиллари иштирок этди.

Форум қатнашчилари жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб жиҳатлари, Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳига аъзо мамлакатлар тажрибаси ва қонунчиликни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар. Айни чоғда парламент аъзолари томонидан жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзаро ҳамкорлиги юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Хусусан, Н. Умаров ўз нутқида жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларга алоҳида тўхталди. Айни чоғда у мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал базани яратиш, парламент ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тажрибаси, Евроосиё ҳудудида парламентлараро конструктив мулоқотни таъминлаш бўйича таклифларини ўртага ташлади.

Анжуман иштирокчилари жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича миллий стратегияни амалга ошириш ва қонун ҳужжатларини қабул қилишда ҳамкорликни янада ривожлантириш, илғор тажрибаларни ўзаро алмашиш мақсадида биргаликдаги ишларни кўп томонлама форматда мунтазам давом эттириш ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Форум якуни бўйича мамлакатлар ўртасидаги амалий бирдамликни ривожлантириш, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш миллий тизимларини такомиллаштириш борасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган резолюция қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАНДИ?

1

Шу билан бирга, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб республикадаги барча ветеринария медицинаси ва агротехнологиялар техникумларида паррандачилик, ветеринария, балиқчилик, асаларичилик ва қуёнчилик йўналишларида ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш тўлиқ давлат гранти асосида амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, архитектура ва қурилиш, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, муҳандислик, ахборот технологиялар соҳаларида 25 фоиздан 40 фоизгача давлат гранти асосида ўқитиш ташкил этилган. 2021 йил 1 июндан бошлаб профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган "ёшлар дафтари"га киритилган йигит-қизларга улар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўтаган вақтида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари даражасида ҳар ойлик субсидия ажратиш амалиёти йўлга қўйилган.

Ўтган ўқув йилида "ёшлар дафтари"га киритилган 671 нафар ўқувчига ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўтаган даврида бюджет маблағлари ҳисобидан 460,4 млн. сўм субсидия ажратиб берилган.

Йиғилишда депутатлар бажарилган ишларни эътироф этиб, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар беришди. Педагог кадрлар таъминоти, ўқув-меъёрий ҳужжатлар ҳамда ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси, моддий-техник база ва рақамлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан қатор саволлар кўтарилди.

Муҳокамалар сўнгида ушбу йўналишдаги ишлар бўйича самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Якунда кун тартибидаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ БОСҚИЧ



1 Етакчилар икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланаётган жорий йилда икки томонлама алоқалар жадал суръат билан ривожланиб бораётгани, кенг сиёсий мулоқот чуқурлашиб, халқаро ташкилотлар доирасида томонлар ўзаро кўмаклашаётгани, парламентлараро мулоқот кенгайганини мамнуният билан қайд этдилар.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, товар айирбошлаш ҳажмини, илғор технологияларни жалб қилган ҳолда қўшма лойиҳа ва дастурларни кўпайтиришга келишиб олинди. Ташриф доирасида умумий қиймати 6 миллиард евродан ортиқ бўлган савдо-иқтисодий битим ва шартномалар имзолангани эътиборга молик.

Маданий-гуманитар алоқалар ҳам чуқурлашадиган бўлди. Томонлар Самарқандда Франция альянсининг филиали очилишини қўллаб-қувватлади ҳамда жорий йил 27-28 ноябрь кунлари Парижда иккинчи Ўзбекистон — Франция таълим форуми ўтказиладиган бўлди. Француз тили ўқитувчиларини тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Францияга расмий ташрифи доирасида Париж шаҳрида ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашув ўтказгани аҳамиятлидир. Бу Ўзбекистон муҳим ва ишончли ҳамкор — Франция билан иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга интилиши қатъийлигидан яна бир бор далолат беради.

Бугун Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилган. Валюта бозори эркинлаштирилди, фойдани репатриация этишга барча чекловлар бекор қилинди. Банклар, йирик саноат ва инфратузилма объектларини хусусийлаштириш дастури бошланди. Давлат-хусусий шериклик механизмлари фаол жорий қилинмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ тадбиркорликни янада рағбатлантириш, сармоядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулк дахлсизлигини таъминлаш ва бошқа йўналишларда аниқ чоралар амалга оширилмоқда. Шу маънода, Франция бизнесининг Ўзбекистон бозорига чиқиши учун катта истиқболлар очилмоқда. Мамлакатимизнинг жозибадорлиги Марказий Осиёда аҳоли сони бўйича энг йирик давлатлиги, маҳсулотларимиз МДҲнинг улкан бозорига божсиз етказиб берилаётгани билан ҳам изоҳланади.

Ўзбекистон франциялик тадбиркорларни ишлаб чиқариш учун зарур инфратузилма билан таъминлаш, имтиёзлар ва кафолатланган харидлар кўринишида қўллаб-қувватлаш ҳамда бошқа кўмак чораларини тақдим этишга тайёр эканини билдирмоқда. Юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, “яшил энергетика”, озиқ-овқат саноати, кимё ва автомобилсозлик, электротехника ва электроника тармоқлари, соғлиқни сақлаш соҳаларини узоқ муддатли ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун истиқболли йўналишлар сифатида қайд этиш мумкин.

Тан олиш керак, охирги йилларда томонларнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон — Франция муносабатлари ривожи учун янги имкониятлар очилмоқда. Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи икки томонлама ҳамкорлик равнақида янги саҳифа яратади. Бинобарин, бу Ўзбекистон ва Франция манфаатларига ҳам жавоб беради.

Таъкидлаш жоизки, Эммануэль Макроннинг “Инқилоб” китобида ўз ифодасини топган сайловолди дастурида Францияни дунё сиёсатининг буюк мамлакатига айлантириш мақсади қўйилган. Француз етакчиси ана шу йўлда қатъий бормоқда. Франция Президентининг сайловолди дастури ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси кўп жиҳатлари билан бир-бирига муштарак: иқтисодий устуворликлар, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, прагматик ташқи сиёсат. Икки Президентнинг кўп масалалар, жумладан, афғон муаммоси бўйича қарашлари ҳам ўхшашдир.

Умуман олганда, ўзбек — француз дипломатияси илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади. Амир Темур ва Франция қироли Карл VI ўртасида дипломатик ёзишмалар йўлга қўйилгани бизга маълум. Соҳибқирон 1402 йилнинг августидаги мактубида француз томони Мовароуннаҳрга ўз савдогарларини юборса, уларга барча зарур шароит яратиб берилиши ҳақида қайд этиб ўтган. Ўз навбатида, Амир Темур ҳам ўз карвонларини Францияга жўнатишни кўзлаган. Зеро, Соҳибқирон айтиб ўтганидек, савдо-сотиқ халқлар фаровонлигини юксалтириш ва алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади. Буюк бобокалонимизнинг ушбу сўзлари бугунги кунда ҳам долзарбдир. Жаҳон тарихида Франция билан дўстона муносабатларимиз теран илдизларга эга эканини ифода этувчи маълумотлар кўп учрайди.

Мустақиллик йилларида французлар Ўзбекистон иқтисодиётига бир неча миллиард долларлик сармоя киритди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Тошкентда “City Palace” меҳмонхонасини қуриш, пойтахт аэропортига радарлар ўрнатиш бўйича қатор қўшма инвестициявий лойиҳалар амалга оширилди. Бугунги кунда давлатлар ўртасидаги йиллик товар айланмаси 250 миллион еврони ташкил этади. Бироқ бу кўрсаткич бизнинг иқтисодий салоҳиятимиз ва имкониятларимизга мувофиқ келмайди. Шундай экан, мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта туртки беради, дейишга тўла асос бор. Хусусан, ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарлари юксак даражадаги кенг қамровли шериклик муносабатларини ривожлантириш мақсадида Қўшма баёнот қабул қилишгани, Ўзбекистон — Франция муносабатларини янада кенгайтиришга қаратилган 14 та келишув имзолангани, Франция тараққиёт агентлиги билан 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш бўйича стратегик шериклик тўғрисидаги битим ҳамда Ташқи сиёсий идоралар ўртасидаги 2023-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури шундай хулоса ясашга имкон беради. Маданий-тарихий мерос, мактабгача, халқ ва олий таълим, давлат хизматини ривожлантириш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида декларациялар имзолангани, фуқаролик авиацияси, коррупцияга қарши курашиш, судьяларнинг малакасини ошириш, француз тилини ўқитиш ва бошқа йўналишларда ҳужжатлар қабул қилингани, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан икки томонлама келишувларга эришилгани ҳам муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.



**Баҳодир ҲАСАНОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.**



# ТАРИХИЙ РИШТАЛАРИМИЗ БАРДАВОМ



1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу давлатга навбатдаги расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар янада жадал ривожланиб бораётганининг ўзига хос тасдиғи бўлди.

Ўзбекистон раҳбари катта ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинди. Энг муҳими, ушбу тарихий ташриф давомида салмоқли амалий натижалар қўлга киритилди. Мулоқот доирасида икки давлат ўртасида кўплаб битимлар ва меморандумлар имзоланди.

Расмий ташрифнинг илк кунида давлатимиз раҳбари ўз эътиборини Франциянинг етакчи компания ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашув ўтказишга қаратди. Хусусан, Париж шаҳрида Франция тараққиёт агентлиги бош директори Реми Риуни қабул қилди. Унда Ўзбекистон ва Франция тараққиёт агентлиги ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, янги истиқболли лойиҳалар билан бойитиш масалалари кўриб чиқилди.

Шу учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Франция тараққиёт агентлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги, энергетика, “яшил иқтисодиёт”, шаҳарларни ривожлантириш, сув таъминоти, банк-молия ва транспорт соҳаларида аниқ лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутадиган умумий қиймати 1 миллиард евродан ортиқ бўлган 2025 йилгача мўлжалланган стратегик ҳамкорлик дастури имзоланди.

Шунингдек, ташриф давомида Шавкат Мирзиёев “MEDEF” Франция корхоналари ҳаракати бош директори Филипп Готье, “Airbus”, “Orano”, “Suez”, “Alstom”, “Total Eren”, “EDF”, “Schneider Electric”, “Natixis” каби 20 тага яқин йирик компания ва банклар раҳбарлари билан учрашди.

Бу учрашувларда мамлакатимиз етакчиси асосий эътиборни инвестиция ва ишбилармонлик йўналишидаги ҳамкорлик масалаларига қаратар экан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ тадбиркорликни янада рағбатлантириш, сармоядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, мулк дахлсизлигини таъминлаш ва бошқа йўналишларда аниқ чоралар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев 22 ноябрда Париждаги тарихий Бурбон саройида Франция Миллий йиғини Раиси Яэль Браун-Пиве билан учрашув ўтказди.

Унда томонлар парламентлар ўртасидаги ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада демократлаштириш борасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича фикр алмашди.

Парламентлараро дўстлик гуруҳи учрашувларини ўтказиш, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, Европа Парламенти, Парламентлараро Иттифоқ, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси доирасидаги алоқаларни кучайтиришга келишиб олинди.

Ташрифнинг асосий воқеаси 22 ноябрда Париждаги Елисей саройида кечди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг музокаралари бўлиб ўтди.

Якунда Ўзбекистон — Франция ишбилармон доиралари ўртасида умумий қиймати 6 миллиард евродан ортиқ бўлган савдо-иқтисодий битим ва шартномалар имзоланди.

Умуман, бу ташриф икки давлат ўртасидаги алоқаларга янгича суръат берганлиги билан муҳим аҳамият касб этди.

**Абдуғани САНГИНОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ИККИ ДАВЛАТ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Давлатимиз раҳбарининг Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан ушбу мамлакатга амалга оширган икки кунлик расмий ташрифи ниҳоятда сермазмун бўлди.*

Ташриф давомида имзоланган кўп қиррали битимлар ҳамда келишувлардан шу нарса англашиладики, эндиликда ҳар икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларда бутунлай янги давр бошланди. Бинобарин, давлатларнинг яқинлашуви, бир-бирига дўстона қўл узатиши, ҳар томонлама ўзаро шериклик муносабатлари иккала давлат манфаатларига ҳамда истиқболига хизмат қилади.



Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Президенти Францияга ташрифи доирасида Париж шаҳрида ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашув ўтказгани алоҳида эътиборга молик. Чунки бу учрашувда 20 га яқин йирик компания ва банклар раҳбарлари иштирок этишди ва улар Ўзбекистонда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларга катта қизиқиш билдирдилар.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилгани таъкидланди, валюта бозори эркинлаштирилгани, фойдани репатриация этишга барча чекловлар бекор қилингани, банклар, йирик саноат ва инфратузилма объектларини хусусийлаштириш дастури бошлангани ҳамда давлат-хусусий шериклик механизмлари фаол жорий қилинаётгани ҳақида сўз борди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ тадбиркорликни янада рағбатлантириш, сармоядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулк дахлсизлигини таъминлаш ва бошқа йўналишларда аниқ чоралар амалга оширилаётгани айтилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, “яшил энергетика”, озиқ-овқат саноати, кимё ва автомобилсозлик, электротехника ва электроника тармоқлари, соғлиқни сақлаш соҳасини узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун энг истиқболли йўналишлар сифатида қайд этди.

Шунингдек, шерикликни кенгайтириш режалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Франция ишбилармон доиралари вакиллари ўз чиқишларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни юқори баҳолади ҳамда мамлакатимизда қандай аниқ лойиҳаларни амалга ошириш ниятида эканини баён қилишди.

Бундан кўриниб турибдики, кўплаб Европа мамлакатларида, хусусан, Францияда ҳам юртимизга инвестиция киритиш истагида бўлган сармоядорлар сафи кенгайиб бормоқда. Бунинг боиси эса албатта, Ўзбекистонда хорижлик инвесторлар учун қулай шарт-шароит, имкониятлар яратиб берилгани билан изоҳланади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистоннинг қатъий тинчликсевар сиёсати ва эзгу ташаббуслари сабаб жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Энг ривожланган давлатлар, дунёга донғи кетган фирма ва компаниялар юртимиз билан ҳамкорликка интилмоқда.

**Дилбар УСМОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

1 Боиси учрашув давомида парламентлар ўртасидаги ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада демократлаштириш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Франция Миллий йиғини раҳбари Ўзбекистонда, шу жумладан, парламентаризмни ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, гендер тенгликни илгари суриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли демократик янгиланишларнинг боришини юксак баҳолади.

Учрашувда парламентлараро дўстлик гуруҳининг мулоқотларини ўтказиш, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, Европа Парламенти, Парламентлараро Иттифоқ, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси доирасидаги ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олинди.

Парламентлараро мулоқотлар эса мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги савдо-иқтисодий, сайёҳлик ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Истиқболдаги ўзаро шериклик учун янада кенг имкониятлар эшиги очилади.

## Инклюзив таълим тараққиёти учун

Маълумки, маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, Ўзбекистон — Франция муносабатларини ривожлантиришда маданий-гуманитар, илмий-маърифий ва туризм соҳалари салмоқли ўрин эгаллайди.

Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йилда ўрнатилган бўлса-да, икки мамлакат халқларининг ўзаро тарихий-маданий алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бунга энг ёрқин мисол сифатида ўз даврининг икки буюк ҳукмдори — соҳибқирон Амир Темур ва Франция қироли Карл VI ўртасидаги ёзишмаларни келтириш мумкин.

Юртимиз заминида кўплаб машҳур французлар ўз изларини қолдирган. Масалан, Фахрий легион ордени кавалери, тарихчи, саёҳатчи, Туркистон археологик харитаси муаллифи Жозеф-Антуан Кастанье сиймоси катта қизиқиш уйғотади. Шунингдек, Вьенн шаҳридан бўлган француз сайёҳи Жозеф Наполеон Мартин ҳам шу заминга меҳр қўйган, бугунги кунда Ўзбекистоннинг Фарғона шаҳридаги мактаб унинг номи билан аталади.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги тарихий алоқалар бугунги кунда ҳам муносиб давом эттирилмоқда. Хусусан, археология ва маданий меросни сақлаш соҳасидаги ришталар фаол ривожланяпти. Франциянинг тўртта археологик



миссияси Ўзбекистон археологлари билан ҳамкорликда фаолият юритади.

Ривожланган француз таълими ва бой маданий мероси минтақа мамлакатлари талабалари ва сайёҳларида алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда 704 та мактаб, коллеж ва лицейларда 170 мингдан ортиқ ўқувчилар ҳамда 13 та олий ўқув юртида талабалар француз тилини ўрганмоқда. Француз тилини ўргатувчи француз оператори — Франция альянси пойтахтимизда фаолият юритади.

2018 — 2022 йилларда туризм, археология, дизайн ва мода, француз филологияси, авиация, инклюзив таълим, бизнесни бошқариш, энергетика, сиёсатшунослик, авиация ва бошқа соҳаларда 30 дан ортиқ келишув ва меморандумлар имзоланган.

Хусусан, Тошкент давлат транспорт университети таркибида Франция фуқаро авиацияси миллий мактаби билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб фуқаро авиацияси учун учувчиларни тайёрлаш мактаби очилди. Шу билан бирга, Франция таълим ва тадқиқот олий институти Мактабгача таълим ва Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда инклюзив таълимни ривожлантиришга кўмаклашмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу мамлакатга расмий ташрифи айтиш мумкинки, барча тармоқлар қатори фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳам кенг кўламли шериклик муносабатларини кенгайтиришга туртки бўлади. Энг муҳими, икки томонлама муносабатларнинг кенг қамровли йўналишида самарали ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб беради.

## Фойдали ва изчил ташқи сиёсат

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Франция муносабатларида ҳамкорликнинг кўплаб соҳаларида ижобий натижаларга эришилди. Асосийси, ҳар икки давлат ўртасида сиёсий мулоқотлар фаоллашди.

Франция тажрибаси ва салоҳиятини ўрганиш мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий йўналишда устувор лойиҳаларни амалга ошириш, таълим тизими сифатини юксалтириш, иқтисодиётни саноат ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда унинг таркибий жиҳатдан диверсификациялашга яқиндан кўмак беради.

Халқаро майдонда тобора юксак сиёсий мавқега эга бўлиб бораётган Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш Европа Иттифоқи билан муносабатларни шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу мамлакатга ташрифи чоғида Елисей саройида Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон билан бўлиб ўтган музокараларда икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланаётган жорий йилда икки томонлама алоқалар жадал суръат билан ривожланиб бораётгани, сиёсий мулоқот чуқурлашиб, халқаро ташкилотлар доирасида томонлар ўзаро кўмаклашаётгани, парламентлараро мулоқот кенгайгани мамнуният билан қайд этилди.

Зеро, халқимиз Франция билан ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўзбек — француз дўстлигининг келажакда янада мустаҳкамланишига астойдил ишонади. Чунки келажакда ана шу каби имкониятлардан унумли фойдаланиш ўзаро алоқаларимиз янада кенгайишига ва икки давлат халқларини бир-бирига тобора яқинлаштиришга хизмат қилади.

Ташриф якунлари мамлакат миллий ишлаб чиқариши, таълим, илм-фан, сайёҳлик ва маданий алмашинувлар равнақига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги мулоқоти Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга янги суръат бағишлайди.

Умуман, бу галги ташриф чоғида эришилган аниқ натижалар миллатимиз шуҳратини бутун дунёга ёйишга замин яратиши, шубҳасиз. Айниқса, ташриф арафасида ўтказилган Ўзбекистон — Франция ишбилармонлик тадбирларининг якунлари, уларнинг доирасида имзоланган умумий қиймати 6 миллиард евродан ортиқ бўлган савдо-иқтисодий битим ва шартномалар икки давлат манфаатлари учун бирдек хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг ушбу мамлакатга расмий ташрифи кўп асрлик Ўзбекистон — Франция муносабатларида муҳим воқеа бўлиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш, уни янги босқичга кўтаришда янги саҳифа очади.

**Фахриддин САМАДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи якунлари бўйича давлат раҳбарлари юксак даражадаги кенг қамровли шериклик муносабатларини ривожлантириш мақсадида Қўшма баёнот қабул қилдилар.*

Умуман, Ўзбекистон — Франция алоқаларини янада кенгайтиришга қаратилган 14 та келишув имзоланди. Франция тараққиёт агентлиги билан 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш бўйича стратегик шериклик тўғрисидаги битим ҳамда Ташқи сиёсий идоралар ўртасидаги 2023-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури шулар жумласидан. Мазкур ҳужжатлар орасидан Франциянинг “Orano Group” компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда “Навоийуран” давлат корхонаси (ДК) ўртасида уч томонлама келишув ҳам ўрин олган.

“Навоийуран” ДК ахборот хизмати хабарига кўра, “Orano Group” Ўзбекистонда 2019 йилдан буён фаолият юритади. Компания Навоий вилоятидаги “Жингелди” конида уранни қидириш ва қазиб олиш фаолиятини ривожлантириш учун Давлат геология қўмитаси билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ушбу ҳамкорлик 2019 йилда “Nurlikum Mining” қўшма корхонасининг ташкил этилишига асос бўлди.

Имзоланган уч томонлама келишув ҳозирги кунда “Nurlikum Mining” томонидан бошқарилаётган “Жингелди” лойиҳасидан ташқари, Ўзбекистонда янги уран конларини ўзлаштириш бўйича бир қатор стратегик лойиҳаларни амалга оширишга ҳам замин яратади.

Шунингдек, шартномада қўшма ташаббусларни бажариш, жумладан, “Жингелди” лойиҳасини ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш, янги қўшма геология-қидирув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, конни модернизация ва трансформация қилиш жараёнида “Навоийуран” ДКни қўллаб-қувватлаш белгиланган.

— Бугун ҳамкорлар томонидан имзоланган келишув “Навоийуран” давлат корхонасининг Ўзбекистондаги уран қазиб олиш соҳасида етакчи саноат корхонаси сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлайди. Мақсадимиз, босқичма-босқич стратегик лойиҳаларни амалга ошириш, Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш, — дейди “Orano Mining” компанияси президенти Николя Мас.

— Президентимизнинг 2022 йил 14 июлдаги қарори билан мамлакатимиз уран ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича янги босқичга қадам қўйди. Мақсадимиз — 2030 йилгача мавжуд фойдали қазилма захираларини ва йиллик ишлаб чиқаришни икки баравар ошириш. Охирги уч йил ичида “Orano Group” ишончли ҳамкор сифатида ўзини амалда намоён қилди, — дейди Давлат геология қўмитаси раиси Бобир Исломов. — Ўйлайманки, ушбу стратегик ҳамкорлик шартномаси Ўзбекистонда уран саноатини ривожлантиришга самарали ҳисса қўшади.

— “Навоийуран” ДК кўп йиллик тажриба ва салоҳиятга эга бўлган уран ишлаб чиқарувчиси бўлиб, ҳамкорлар томонидан ҳам эътироф этилган. Ушбу келишувнинг имзоланиши белгиланган мақсадларга эришишимизда, билим ва кўникмаларимизни, техник ҳамда молиявий ресурсларимизни бирлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади, — дейди “Навоийуран” ДК бош директори Жаҳонгир Ҳасанов.

**«Халқ сўзи».**

**Академик Наим Каримов таваллудининг 90 йиллигига**

# ҲАР ҚАНЧА ФАХРЛАНСАК, АРЗИЙДИ

*Баъзан кишилар ўзларига севимли айрим ёзувчиларни мақтаб, "бўйи баробар китоб ёзган", дейишади. Мисол учун, "Худойберди Тўхтабоев бўйи баробар китоб ёзган"... "Тоҳир Малик бўйи баробар китоб ёзган" ва ҳоказо...*



Мен ҳам ҳозир шундай мақтамоқчи бўлиб турибман, аммо озроқ мақтовнинг бўйини кўтармоқчиман. Суюкли акам, кўп кўйлакларни мендан анча олдинроқ йиртиб, янгиларини кийиб юрадиган академик Наим Каримов шу кунгача Тошкент телеминорасининг баландлигидан ошириб китоблар, рисолалар, тадқиқотлар ёзган. Мен буни у телеминора тагидаги "Шаҳидлар хотираси" жамғармасининг китоблар билан лиқ тўла шинам хонасида ўтириб ишлагани учун айтмаяпман (у ҳозиргача ишга бир пайтда келади ва бир пайтда кетади, турли ҳужжатларга, эски, униқиб кетган газеталарнинг чанг-тупроқларини сингдирган китобларга бошоёқ кўмилиб, бошини кўтармай муккаяди, шогирдлари дам-бадам келиб, унинг қачон эски китобдан бошини кўтаришини жимгина кутиб, тизилишиб ўтиришади). Бу на муболаға ва на лоф, на симулякр. Бу — олимнинг иш пайти.

Тўқсон ҳазилакам ёш эмас.

Азамат ёш!

Часпонларча зўрабор ёш! Азамат алломалар ёши! Пир деб фахрланса арзийди. Балли, телеминоралардан ошириб, эл-юрт учун фойдали китоблар ёзганга! Ҳар сўзида, ҳар фактида истиқлолий адолатни тиклаганга! Тўқсоннинг чўққисида туриб ижодий завқлари ва куч-қувват, ғайратини сақлаб, номаълум дунёларни очиш, ёшларни илм-фан, кашфиётларнинг юксак уфқларини эгаллашга чақириш, атрофдагиларини доим ёзишу ихтироларга илҳомлантириш фақат ноёб лаёқатли одамларгагина насиб этади. Бу ҳолнинг илдизлари жуда чуқур.

Наим Каримов одоб-ахлоқ ва интилишлар, илм, фидокорлик қадрланадиган оилада дунёга келди. Зиёли, кашфиётчилик, ихтирочиликлар, соф-тоза аъмоллар рағбатлантириладиган хонадонда илмпарварлик анъаналарини эрта болаликдан бағрига сингдириб ўсди, маънан-ахлоқан камол топди.

У тарбияланган оила муҳитида китоб худди кондек эъзозланарди. Мурғак жон юксалиш, ҳароратланиш учун қуёшга интилганидек, ғоят эътибори ота-онасининг жавонларидаги китобларига бўлиши чўзди.

Китоблар бора-бора унга катта таъсирини кўрсатиб, ҳаёт ва одамлардан идеал қидиришга ўргатди. Бу қонга сингди. Булар мавҳум, тушуниб бўлмайдиган бир нарса эмас, балки инсонийлик, ҳаққонийлик, гўзал нафосат идеаллари эди. Шу идеалларнинг хошияларида унинг ҳаётий, инсоний мақсадлари, ниятлари ҳазарлари шаклланди. Унинг хаёлида интилиш, изланиш уфқлари гавдаланди.

Мақсадсиз яшаб бўлмайди! У адабий тадқиқотчилик, адабий изқуварлик, зиёлипарварликни касб қилиб танлади. Бу касбни жондилдан севди: толе уни Фанлар академиясига, илмий-тадқиқотлар институтига дарғоситга етаклаб келди, идеалларини рўёбга чиқариш учун ишорат ва йўллар очилди. Тез орада у адабиётшунослик илми соҳасида ҳимматли мутахассисга айланди. Академия уни, идеалларини ранг-баранг олимлар, сафдошлар, тенгдошлар, маслакдошлар давраларига, қизғин адабий жараёнлар ичига олиб кирди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Музайяна Алавия, Иззат Султон, Ҳоди Зариф, Порсо Шамсиев, Азиз Қаюмов, Матёқуб Қўшжонов, Ҳафиз Абдусаматов, Лазиз Қаюмов, Озод Шарафиддинов, Ҳамид Сулаймон, Фозила Сулаймонова, Маҳбуба Қодирова, Сабоҳат Азимжонова, Юсуф Султон суҳбатлари ва тарбияларини кўрди. Адабий матнлар, кўлёзмалар устида ишлаш, таҳрир илмини ўрганди. Улкан аллома адибларнинг асарларини нашрга тайёрлаш ишларида фаол қатнашди. Атрофида фаол олим тадқиқотчилар давраси — замондошлар пайдо бўлди: Бахтиёр Назаров, Нинель Владимирова, Салоҳиддин Мамажонов, Тўра Мирзаев, Суйима Ғаниева, Машкура Султонова, Раъно Иброҳимова, Ғаффор Мўминов, Мияд Ҳакимов, Собир Мирвалиев, Шерали Турдиев, Абдуқодир Ҳайитметов, Сувон Мелиев каби яна қатор-қатор адабиётшунос олимлар Ўзбекистонда илм тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Замон адабиётининг, ижодкорлигининг долзарб муаммоларини кўтариб чиқдилар. XX аср иккинчи ярми адабиётшунослигининг мундарижаси ва қиёфаси улар номлари ҳамда тадқиқотлари билан чамбарчас боғлиқ.

Наим Каримов шу сафнинг етакчиларидан бўлиб келди. Аммо ҳақиқий олимлик қиёфаси ва эътиборини истиқлол йилларида топди. Уни истиқлол олими деб тўла оғиз билан айтиш мумкин. Шу йилларда фан доктори бўлди, бирма-бир шитоб билан истиқлол мундарижаси ва талабларига ҳамоҳанг, ҳамжаранг асарларини яратди. Дарҳақиқат, унинг орзу-идеалларининг рўёбга чиқиши учун жуда катта йўллар ва шароитлар очилди. Ёши олтмишдан ошганда озодлик ва мустақилликни кўрди, ижодининг бутун қўрини, ҳароратини унга бағишлади. У истиқлолга тайёр эди. Барча ижодий режаларига истиқлол қанот бағишлади. Истиқлол учун курашган ва жон берганларнинг қутлуғ овозлари унинг кўксида тинимсиз акс садо бериб турди. Кўп адиблар, олимлар каби Наим Каримов қайта туғилди. Истиқлол уни катта алломага айлантирди, академик рутбасини берди. Кенг, улуғ уфқлар очди. Мустақиллик туфайли буюк жадид адабиёти мислсиз равнақ йўлига чиқди, озодлик ва истиқлол ўз асосларини улардан олди. Улар истиқлолимизнинг олди сафларига ўтдилар ва халқ онгининг чинакам уйғонишига даъваткор ва мададкор бўлдилар.

Ўзбекистон — миллий озодлик ва маърифат, илм-фан ғоялари билан бойиб, қувватланиб, жўш уриб, дунёда ўзига хос, ўзига мос демократик тараққиёт йўлига чиқди. Ғайратли раҳбарларининг буюк саъй-ҳаракатлари баробарида, дунё ҳамжамиятининг муносиб тенг ҳуқуқли аъзосига айланиб, ташаббускор, фаол, дадил одим отмоқда. Янги Ўзбекистон деган ном олди. Аждодлар қадрини бор бўй-басти билан тиклаб учинчи Уйғониш деб аталган даврига кирди. Ҳар бир соҳада адолат учун курашлар даври бошланди ва мазмуни кенг томир отди. Халқ, жамият ишончини қозонди. Наим Каримовнинг пайдар-пай ёзаётган асарлари юксалиш ва тикланишнинг асосларини қонуний мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Эзгуликнинг хотирлари тилакди улуғ ва ортга қайтмас ҳаракат тусини олди. Бу эркинликни мамлакатда адл мустаҳкамлади ва онглар тарбиясига жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Наим Каримов асарларида адолатни тиклаш эҳтироси баралла акс этди. Шунчалар фактлар юзага чиқдики, уларда асл ҳақиқатнинг юзи, моҳияти очилди. Фактларнинг бари нидо ва фарёд билан тўладир. Зулм шунчалар поёнсиз ва шафқатсиз бўлган экан. Наим Каримов ва бир қатор бошқа изқувар олимлар зулмнинг қора ўпконларини очиб ташлади. Мен Наим Каримов кеча-бугун яратаётган барча асарларни тарих қаърларидан келаётган садоларни уқиман деб тинглайман. XX аср бошларида бу садолар "Садои Туркистон", "Хуршид", "Шуҳрат", "Ойина"дан янграрди. Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, Авлоний, Сўфизода, Ибрат ҳайқирарди: — Биз сиз билан биргамиз! Биз сиз билан бирга бахтлимиз!

Васлий, Зоҳирий, Мирмуҳсин, Азизий, Убайдулла нидо солардй: — Биз сиз билан биргамиз!

Исмоилбек, Валидий, Жовид, Поливанов, Чўпонзода хозиржавоб жўр бўлади: — Биз сиз билан биргамиз! Ҳамиша биргамиз! Ҳамиша бирга курамиз!

Ойбек, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир — не-не жонлар, имонлар, эътиқодлар, фидокорларнинг ўтли саслари келади Наим Каримов китобларидан! Ҳақиқат овозлари бугун юракларимизни яшнатади. Биз ҳамиша озодлик ва маърифат билан биргамиз. Биз сиз билан биргамиз, аждодлар!

**Иброҳим ГАФУРОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**



# ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ ВА МАЪРИФАТ БЕШИГИ

## БУЮК АЖДОДЛАРГА АВЛОДЛАР ЭҲТИРОМИ

Урганч халқаро аэропортидан чиқиб шаҳар маркази томон юрсангиз кенг ва равон йўл сизни тўғри буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди ҳайкали пойига олиб боради.

Президентимиз ташаббуси билан Урганч шаҳрининг қоқ марказида қад ростлаган бу маҳобатли ҳайкал буюк бобомизнинг жасорати ва шону шавкатига мос улуғворлик касб этган. Мажмуа остидаги узунлиги 500 метрли — соатига 3,5 минг автомобилни ўтказиш қувватига эга ер ости йўли шаҳарда транспорт воситалари тирбандлигининг олдини олишга хизмат қилади.

Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган, жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирган буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг муносиб ворисларини тарбиялаш мақсадида яна бир хайрли иш амалга оширилмоқда. Урганч шаҳрида 300 ўринга мўлжалланган Жалолиддин Мангуберди номли ҳарбий йўналишдаги лицей барпо этиляпти.

Ёш авлодни буюк аждодларимизнинг сўнмас жасорати ва матонатига садоқат руҳида тарбиялайдиган мазкур таълим маскани Қуролли Кучларимизга етук малакали кадрлар тайёрлаб беришга хизмат қилади.

Мен кўп йиллар вилоятдаги йирик қурилиш ташкилотларига раҳбарлик қилдим, Урганч шаҳри ҳокими бўлиб ишладим. Ҳозир 87 ёшдаман, невара-чевараларим ардоғида кексалик гаштини суряпман. Бугун Урганчда замонавий ва миллий услубда бунёд этилаётган, шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартираётган янги бино ва иншоотлар, кўча ва хиёбонларни кўриб кўнглим қувнайди. Улкан бунёдкорликлардан илҳом олиб яна қурилиш жабҳасига ишга қайтгим келади. Шукрки, биз қачонлардир орзу қилган эзгу ниятларни шогирдларимиз рўёбга чиқаряпти.

**Рустам СУЛТОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи, меҳнат фахрийси.**

## КЎҲНА КЕНТНИНГ ОБОД ВА МУҲТАШАМ ЯНГИ ДАҲАСИ

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 29 август куни Хоразмга ташрифи чоғида Урганч шаҳрида умумий майдони 140 гектар бўлган Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилишига тамал тоши қўйди. Айни кунларда Урганч халқаро аэропортидан чиқишингиз билан кўз ўнгингизда жадаллик билан қад ростлаётган янги шаҳарчадаги бунёдкорлик жараёнлари намоён бўлади.

Лойиҳа бўйича шаҳарчада буюк аллома, алгоритм асосчиси Ал-Хоразмийнинг баландлиги 30,5 метрлик муҳташам ҳайкали қад ростлайди. Янги даҳада Муҳамммад ал-Хоразмий номидаги университет ва талабалар ётоқхоналари, 3000 ўринли мактаб ва 1500 ўринли мактабгача таълим муассасаси, IT-парк, инновация маркази, спорт мажмуаси, илмий-тадқиқот маркази, кўп қаватли уйлар ва автотураргоҳлар, марказий аллея — "Янги Ўзбекистон" боғи барпо этилади.

Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда технопарк ва замонавий тўқимачилик корхоналари қурилиб, ишга туширилади.

Ҳозирда янги шаҳарча жозибадор ҳудуд сифатида хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг эътиборини тортмоқда. Ушбу "ақлли шаҳарча" келажакда воҳанинг ўзига хос илм-фан, ақл ва ахборот технологиялари марказига айланади, деб ишонаман.

**Шерзод АЛЛАБЕРГАНОВ,**
**«Ал-Хоразмий мажмуасини барпо этиш ва сақлаш дирекцияси» унитар корхонаси директори.**

## НАВБАТДАГИ МАНЗИЛ — ХИВА!

Урганчдан Хивагача темир йўл қурилиб, йўловчи поездлар қатновининг йўлга қўйилиши билан халқимиз ва қадимий шаҳарга ташриф буюрувчи сайёҳлар учун чунон қулайлик яратилди. Эндиликда темир йўл соҳасида яна бир муҳим янгилик — Бухоро — Мискин — Урганч — Хива темир йўлини электрлаштириш лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу лойиҳа жуда катта сайёҳлик салоҳиятига эга Хоразм вилоятига замонавий тезюрар поездлар қатновини йўлга қўйиш имкониятини янада яхшилайди.

Ҳудуднинг транспорт-коммуникация тизимини ривожлантиришга хизмат қиладиган муҳим лойиҳалардан яна бири — Шовот туманини Қорақалпоғистоннинг Қораўзак тумани билан боғловчи узунлиги 79 километр бўлган Шовот — Гурлан — Жумуртов — Қипчоқ темир йўли қурилишидир. Бу лойиҳа Амударё устида узунлиги 413 метр бўлган автомобиль ва темир йўл кўприги қурилишини ҳам ўз ичига олади. Янги кўприкнинг қурилиши Россия ҳамда Қозоғистондан юкларни ташиш масофасини 240 километрга, ташиш вақтини эса 6 соатга қисқартиради. Натижада юк ташиш ҳажми икки баравар кўпаяди ва йилига 25 миллион тоннани ташкил этади.

Умуман, Гурлан туманининг мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан темир йўл орқали боғланиши туфайли ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида янги саҳифа очилади. Айни пайтда янги темир йўл тармоғи қурилиши қизғин давом этмоқда.

**Шокир АДАМБАЕВ,**
**фахрий темир йўлчи.**

## ИСЛОМ ДУНЁСИНИНГ ТУРИЗМ ПОЙТАХТИ

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг 11-сессияси доирасида Хива 2024 йил "Ислом дунёсининг туризм пойтахти" деб эълон қилинди.

"Очиқ осмон остидаги музей-шаҳар" деб эътироф этиладиган қадимий ва навқирон Хиванинг бундай юксак мақомга муносиб кўрилиши бежиз эмас, албатта. Бундан олдин Хива — 2020 йилда "Турк дунёси маданияти пойтахти" деб эълон қилиниши шаҳарнинг жаҳон миқёсида довруғини янада кенг ёйиш, қардош халқлар билан дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Хўш, "Ислом дунёсининг туризм пойтахти" номи бу шаҳарга яна нима беради? Бу эътироф ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, янги инфратузилма объектлари, музей ва кўргазмалар барпо этиш, сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажмини ошириш имконини яратади.

Йил бўйи давом этадиган маданий тадбирлар, хорижий ва маҳаллий журналистлар учун уюштириладиган медиатурлар нафақат шаҳарни, балки бутун мамлакатни дунё миқёсида кенг танитади. Жаҳон жамоатчилиги юртимиз тарихи, табиати, халқимиз турмуш тарзи ва маданияти, урф-одат ва анъаналари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

Шаҳримизнинг бундай юксак мақомга лойиқ кўрилиши биз учун катта шараф. Бугун Хивада амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ана шу эътирофга мос келади.

**Гавҳар ДУРДИЕВА,**
**Хоразм Маъмун академияси грант раҳбари, сенатор.**

## ХОРАЗМНИНГ КИНО ОЛАМИ — МОЗИЙ КЎЗГУСИ

Кинонинг жамият маънавий, маданий-маърифий ҳаётида, хусусан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда аҳамияти ниҳоятда катта. Сўнгги йилларда киноижодкорларимиз томонидан яратилган янги фильмлар халқаро танловларда муносиб ўринларни эгалламоқда.

Яқинда ўтказилган "Ипак йўли дурдонаси" XIV Тошкент халқаро кинофестивали ҳам миллий кино санъатимизни ривожлантириш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

Биринчи ўзбек фотографи ва кинооператори Худойберган Девонов туғилиб ўсган Хоразмда кино санъати анъаналари янгича кўринишда ривож топмоқда. Хоразмнинг энг қадимий обидаларидан бири — Қалъажиқ қалъаси ёнидаги саҳрода барпо этилган кино шаҳарчаси бунинг ёрқин мисолидир. Боғот тумани ҳудудида жойлашган ушбу шаҳарчада қисқа муддатда кинопавильонлар, меҳмонхона, ресторан, савдо шохобчалари қад ростлади.

Айни кунларда шаҳарчада шоир, файласуф, кураги ерга тегмаган полвон Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва ижодига бағишлаб "Хива лангари" бадиий фильмини суратга олиш жараёнлари бошланди.

Фильмда ўзбек киноижодкорлари билан бирга ҳинд актёрлари ҳам иштирок этади. Ўтган асрнинг 70 — 80 йилларида ўзбек ва ҳинд киноижодкорлари ҳамкорлигида яратилган "Али бобо ва қирқ қароқчи", "Севги афсонаси" каби фильмларни тасвирга олишда қатнашган таниқли ҳинд кинорежиссёри Умеш Меҳранинг ушбу киношаҳарчага ташрифи чоғида ижодий ҳамкорлик бўйича келгуси режалар белгилаб олинди.

Умид қиламизки, келажакда ушбу шаҳарча кино ва туризм марказларидан бирига айланади.

**Раҳимбой ШЕРЖОНОВ,**
**«Хива лангари» фильмининг сценарий муаллифи.**





## «УЛЛИ ҲОВЛИ» ДУНЁ САЙЁҲЛАРИНИ ЧОРЛАЙДИ

Хоразм воҳаси Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган бўлиб, Ўзбекистоннинг энг юқори сайёҳлик салоҳиятига эга минтақаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Хива ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилиши нафақат Хоразм вилояти, балки Ўзбекистоннинг жаҳон туризм бозорига дадил кириб бориши учун мустаҳкам замин яратади.

Бу қўҳна манзилни бир бор кўриш учун дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳлар оқими йилнинг тўрт фаслида ҳам тўхтамайди. Хоразмда хорижлик сайёҳларни ўзига жалб қиладиган Ичан қалъадан бошқа яна юзлаб тарихий қалъалар, обидалар бор. Урганч туманидаги Ғойбу қишлоғида 1650 — 1690 йиллар оралиғида қурилган "Улли ҳовли" деб аталувчи меъморий мажмуа ана шундай ёдгорликлардан бири. Лойдан тикланган, қарийб 100 та хонадан иборат ушбу қўрғон яқин йилларгача қаровсиз ётар, ҳовли юлғунзорга айланган эди.

Узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб, нафақага чиққач, ушбу масканни ободонлаштиришга бел боғладим. Қадимий қўрғонни қисқа муддат ичида реставрация қилиб, бу ерда ҳунармандчилик маркази, ресторан, меҳмонхона, кинозал ва фотогалерея ташкил қилдик. Махсус отхона қуриб, сайёҳлар томоша қилиши учун машҳур ахалтака зотли отларни олиб келдик. Қисқа давр ичида "Улли ҳовли" маҳаллий ва хорижлик сайёҳларнинг севимли масканига айланди.

Гапнинг очиғи, узоқ йиллар қишлоқда даромад деҳқончиликдан келади, деб ўйлаб юраверибмизу ҳудудимизда ундан ўн чандон сердаромад соҳа — туризмни ривожлантириш имкони борлигини, кўз ўнгимиздаги хазинани англамаган эканмиз. Бундай имкониятни вилоятнинг ҳар бир ҳудудидан топиш мумкин. Бунинг учун изланиш, янгиликка интилиш, фидойилик ва энг муҳими, Ватанни севиш керак!

**Давлатназар РАЖАБОВ,**
**«Улли ҳовли» сайёҳлик мажмуаси раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳиби.**

## МАҲОБАТЛИ ОБИДАЛАР ҲАЙРАТГА САЗОВОР

Ўзбекистон турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро туташган муҳим чорраҳа, умуминсоний тараққиётга беқиёс ҳисса қўшган ўлка сифатида дунёга танилган. Хусусан, Хоразмда йилнинг тўрт фаслида ҳам томоша қиладиган ва дам оладиган гўзал масканлар, бетакрор тарихий ёдгорликлар бор экан. Қиёслаш учун айтиш жоиз, денгиз соҳилларидаги имкониятлари билан туристларни жалб этадиган мамлакатларга қиш фаслида саёҳат қилиб бўлмайди. Шу маънода, Ўзбекистон сайёҳлик соҳасининг келажаги порлоқ.

Хивада биринчи марта бўлишим, эртакмонанд бу шаҳар менга жуда ёқди. Айниқса, баландликдан туриб кузатсангиз шаҳар бутун бўй-басти, чиройи билан намоён бўлар экан. Ичан қалъани кўриб, маҳобатли миноралар орасида ўзимни гўё мўъжизалар оламига тушиб қолгандай ҳис этдим. Бир-бирига туташиб кетган гўзал обидалар киши хаёлини узоқ ўтмишга етаклайди. Уларда асрлар ҳикмати, бугуннинг илиқ тафти бор.

Умуман, бу юрт таровати ва одамларининг меҳри менда катта таассурот қолдирди. Ўз миллий қадрият ва анъаналарини эъзозлайдиган, тарихий обидаларни бугунгача асраб-авайлаб келаётган, бунёдкор, изланувчан халқ улуғдир. Бу заминда кечган бетакрор онлар бир умр ёдимда қолади.

Насиб қилса, кейинги йили Хоразм саёҳатига оилам билан бирга келишни мақсад қилдим.

**Ассиа НИШЕЛ,**
**сайёҳ (Франция).**

## СЕНДАН ФАРЗАНДИНГГА БОҒ ҚОЛСИН, ЭЙ ДЎСТ!

Оролбўйи минтақасида жойлашган Хоразм воҳасида экологик барқарорликни сақлаш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда яшил ҳудудлар жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис кўчат экиш бўйича "долзарб 40 кунлик" доирасидаги тадбирларга вилоятимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси бўйича вилоятда 14,2 млн. дарахт ва манзарали бута кўчатларини экиш белгиланган бўлиб, шундан 5 млн. тупдан зиёд кўчатлар куз мавсумида ўтказилади.

"Яшил макон" электрон платформасига вилоят ҳудудида экилган барча мевали ва манзарали дарахт кўчатлари тўғрисидаги маълумотлар киритилди. Махсус мобиль илова орқали кўчатларнинг фотосуратлари, геолокациялари жойлаштирилди. Мевали ва манзарали дарахт кўчатларини парвариш қилишга жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган, вақтинча ишсиз фуқаролар жалб қилинди.



Яна бир эътиборга молик янгилик, Хоразм вилоятида Туркия билан ҳамкорликда "in vitro" усулида ҳужайрадан кўчат етиштириш лойиҳаси амалга оширилди. Мазкур лабораториямиз йилига 5 миллион дона интенсив усулда ривожланадиган кўчатларни етказиб бериш қувватига эга.

Оролбўйи минтақасида жойлашган Хоразм шароитида ҳудудларни кўкаламзорлаштиришда энг асосий масала — сув таъминоти билан боғлиқ. Экилган кўчатларни суғориш учун қарийб 1,5 минг км. узунликдаги канал ва ариқлар тозаланди, 118 та насос таъмирланиб, 46 таси янгидан ўрнатилди. 28 қудуқда бурғилаш ишлари бажарилди.

Вилоят ҳудудида жорий йилда 102 гектар майдонда "Яшил боғлар" ва "Яшил жамоат парклари" барпо этилди. Айни пайтда ҳар бир шаҳар ва туманда биттадан намунавий "Экология кўча"ларини ташкил этдик. Яшиллик оламига бурканган бу ҳудудлар халқимиз, меҳмонлар ташриф буюриб дам оладиган, мириқиб ҳордиқ чиқарадиган масканларга айланади.

**Отабек ҚЛИЧЕВ,**
**Хоразм вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи.**

**Саҳифани Одилбек ОДАМБОЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 13 890 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 03.30 1 2 3 4 5 6